Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2002 YIL
25 IYUL
PAYSHANBA
№ 91 (26.950)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯПОНИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Япония ҳукуматининг таклифига биноан шу йил 28-31 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Японияга ташрифи бўлиб ўтади.

Ташриф давомида Япония Императори Акихито билан учрашув кўзда тутилган бўлиб, Япония Бош вазири Д.Коидзуми билан музокаралар, шунингдек, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Сафар асносида қатор муҳим икки томонлама ҳужжатлар имзоланади. Ўзбекистон томони Япония билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга катта аҳамият беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ж. Б. САЙФИДДИНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамшед Бадриддинович Сайфиддинов Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2002 йил 24 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ў. Т. КОМИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўткир Толипович Комилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2002 йил 24 июль

УЛАР АҚШДА ЎҚИШАДИ

Бугун Ўзбекистон ёшларининг овози жаҳон бўйлаб янграмоқда. Фарзандларимиз хорижий тилларни мукаммал ўрганиб, халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритмоқдалар.

Халқаро таълим бўйича Америка Кенгашининг АКСЕЛС дастури томонидан ўтказилаётган танловда пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 178-мактаб ўқувчилари ҳам иштирок этиб, танловнинг уч тури синовларидан ўтдилар. Тошкент шаҳри бўйича танловда ғолиб чиққан тўққиз ўқувчидан беш нафари шу мактаб ўқувчиларидир. Булар: Шаҳноза Ўринбоева, Сергей Касеев, Максим Коротин, Вероника Югай, Ольга Ли. Улар 2002-2003 йиллар давомида Америка мактабларида таълим олиб, америкалик оилаларда яшайдилар.

Шаҳноза Ўринбоева: — Биз 15 август куни Америкага жўнаб кетамиз. Мен Индиана штати, Лафаэт шаҳрида ўқишларимни давом эттираман. Мақсадим — озод Ватаним ҳақида, истиқлол йилларида эришилган оламшумул ғалабаларимиз, мамлакатимизда ёшларга берилаётган имкониятлар, Юртбошимизнинг баркамол авлод камолоти йўлида қилаётган эзгу ишлари ҳақида америкалик тенгдошларимга ўз тилларида гапириб бериш. Биз Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллигини Америкада кутиб оламиз.

Сергей Касеев: — Мен Монтана штатидаги Мальта шаҳрига ўқиш учун кетаяпман. Америкаликлар ҳаёти, у ердаги таълим жараёни мени мудом қизиқтириб келарди. Ўз орзуимга эришдим. Фақат бир нарсани ўйлаб турибман: Тошкентни жуда соғинсак керак.

Озодликнинг баланд овози ила ҳаяжон билан гапираётган ёш дўстларимизга омадлар ёр бўлсин.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

✧✧✧

Суратларда: 1) Шаҳноза Ўринбоева; 2) Сергей Касеев, Вероника Югай ва Максим Коротин.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯПОНИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ОЛДИДАН

ҲАҚИҚИЙ ҲАМКОРЛИК — ҚАЛИН ҲАМКОРЛИК

Дунёда ҳаётий, иқтисодий мўъжизалари билан ном қозонган давлатлар кўп эмас. Лекин ана шу саноқли мамлакатлар орасида етакчилик қилувчи юрт сифатида Японияни кўрсатсак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Табиий заҳиралар бобида тақдир уни бирмунча қисган эса-да, тараққиёт бобида ҳар томонлама мададкорлик қилади. Япония бугун олтин-валюта заҳираси энг кўп мамлакат саналади. Дунёда унинг технологиялари етиб бормаган жой йўқ. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ҳам энг олдинги ўринлардан бирида. Халқи эса ватанпарварлиги ва миллий анъаналарга кучли садоқати билан ажралиб туради. Иқтисодчиларнинг фикрича, энди иккинчи йили ўтаётган янги асрда Япония ишлаб чиқаришни бирмунча камайтириб, технологияларни экспорт қилишни кўпайтиришга ўтади.

Япония Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йилнинг 28 декабрида тан олган. Кўп ўтмай, 1992 йилнинг бошида икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон бу мамлакат билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришни устувор масала этиб белгилаган бўлса, Япония Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасидаги етакчи давлат сифатида қарайди. Шу боис мунтазам равишда Япония ҳукумати ва парламентининг нуфузли аъзолари, сиёсий партиялар раҳбарлари ва ишбилармон доираларнинг обрўли вакиллари Ўзбекистонга келиб туради.

Шу ой ўрталарида ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сэйкен Сугиура раҳбарлигида ҳукумат, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан иборат катта делегация келиб кетди. Май ойида эса депутатлар Т.Асо ва Н.Накаяма бошчилигида Япония жамоатчилигининг жуда катта делегацияси Ўзбекистонни зиёрат қилиб, уруш йиллари мамлакатимизга келиб қолган ва бу ерда абадий уйқуга кетган ҳамюртлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорликларнинг очилиш маросимларида қатнашди. Ушбу тадбирларнинг бошида, албатта, Президент Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туради. Бундай одамийлик эса, табиийки, ўзаро муносабатларга ўзгача руҳ ва шиддат бағишламоқда.

11 сентябрь воқеаларидан кейин дунёда ва минтақамизда юз берган ўзгаришлар Ўзбекистон — Япония муносабатлари ривожига янги суръат бағишлади. Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Дзюнъитиро Коидзуми ўзаро нома алмашиб, террорчиликка қарши халқаро миқёсда бошланган кураш доирасида амалга ошираётган ишларини, қарорларини маъқуллади ва бундан буён ҳам бир-бирини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини, ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги-янги имкониятлар очишини таъкидлади.

Таъкидламоқ жоизки, Д.Коидзумининг мактубини ушбу мамлакатнинг собиқ Бош вазири, амалдаги ҳукумат раҳбарининг махсус элчиси мавқеига эга бўлган Йосиро Мори келиб топширди. Бу эътибор бежиз эмас. Ўзбекистон халқаро аксилтеррор коалициясига кўрсатган ёрдамнинг аҳамияти беқиёс. Мамлакатимиз Японияннинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо сифатида киришини ёқлаб келади. Шунингдек, Ўзбекистон вакиллари Афғонистонни тиклаш борасида ўтказилган Токио конференциясида фаол иштирок этди. Ушбу анжуман давомида Япония томони афғон заминида амалга оширилажак иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларда Ўзбекистоннинг инфратузилмаси ва заҳиравий салоҳиятидан фойдаланишга катта қизиқиши борлигини билдирди.

Икки томонлама ҳамкорлик ана шу қизиқиш асосида ҳам ривожланмоқда. Япония Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ва мамлакатимиздаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш учун молиявий ёрдам кўламини оширмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ҚИЗИЛҚУМ ОЛТИНЛАРИ

Тўқсонинчи йиллар ўрталарида қад ростлаган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигида янги уфқлар очди.

1995 йил май ойида иш бошлаган корхона ўтган 7 йил давомида 70 тоннадан зиёд соф олтин ишлаб чиқарди. Бунинг роппа-роса 35 тоннаси Ўзбекистонда қолишини инобатга олсак, масала моҳияти янада ойдинлашади. Ҳамкор корхона нега энди айни Американинг Флорида штатидан танланганига келсак, «Ньюмонт Гольд» корхонаси машҳур ва энг замонавий технологияга эгалиги билан Халқаро давлат стандартлари совринларини қўлга киритган. У чиқитсиз, шовқинсиз ишлайди. Шу важдан дунёнинг 150 та конида «Ф — Ф» — «50 — 50» шартномаси асосида иш бажарди. 30-32 йилдан буён жаҳон бозорибоп «9999» русумидаги энг ноёб олтин қуймаларини ишлаб чиқараётган Мурунтов учун эса бундай ҳамкорлик жуда муҳим.

«Зарафшон-Ньюмонт» Мурунтов, Бурунтоғ маъданчилигида ўзига хос мактаб яратган десак, муболаға эмас. Корхона биргина Мурунтов олтин ҳавзаси учун эмас, ҳавза ён-атрофидаги «сунъий тоғлар» учун ҳам зарур. Чунки, собиқ иттифоқ даврида «ура-ура»чилик, нодир металларни тезроқ ташиб кетишга бўлган талаб — бу ерда олтини яхши тозалаб олинмаган миллиард-миллиард кубометр тоғ жинслари қояларини яратди. У эса табиатга зиён келтирди. Атроф-муҳит ва экологик барқарорликни бузди.

Худди шу иккиламчи хомашёни қайта ишлаш, ундан олтин, кумуш ажратиб олиш, қолган тоза қумни эса табиатга қайтадан сепиб ташлаб, табиат мувозанатини тиклаш — мазкур корхона вазифасига киради. Шунингдек, у 15 йилга тузилган шартномани янада такомиллаштириб, маҳаллий ёшлар учун 300 дан ортиқ муқим иш ўринлари яратишни ҳам ўз зиммасига олган.

Яна бир ижобий жиҳати, қарийб 5,5-6 гектар майдонни ўз ичига олган қўшма корхона тутунсиз, заҳарсиз ишлайди. Икки йилдирки, корхона тўла қувват билан ишламоқда. Йилига ўртача 14-15 миллион тонна тоғ жинсларини қайта ишлаш даражасига чиқиб олди. Бу йилига 10-12 тонна олтин тайёрлаш, демакдир.

Биз бугун Қизилқум қўйнидаги ёхуд Мурунтов олтин ҳавзаси ёнидаги фақат биргина қўшма корхона «Ньюмонт Гольд» хусусида тўхталдик, холос. Яқин йиллар ичида «Кўкпатас», «Довгизтов», «Омонтойтов» конлари яқинида ҳам бу каби қатор қўшма корхоналар қурилади. Чунки, Зарафшон, Учқудуқ, Навоий шаҳарларидаги 1-,2-,3-гидрометаллургия заводлари каби «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ишлаб чиқарган олтин қуйма ёмбилари ҳам бугун Лондон, Токио, Вашингтон ва Мадриддаги энг нуфузли дунё биржаларида сотилмоқда. «9999» русумидаги энг нодир қирмизи олтинга Жанубий Африка, Америка, Россия нодир металлари энди рақобатчи бўлолмаяпти.

Корхона учун ҳозирча бирдан-бир муаммо — саратоннинг 42-48 даражали жазирама иссиғи, холос. Тўғри, баъзида электр энергиясида ҳам айрим узилишлар бўлиб туради, лекин уни уддаласа бўлади. Агар шу муаммолар ҳам ҳал этилса, корхона йилига 15 тоннагача олтин ишлаб чиқариш қувватига чиқиб, унинг бағрида ҳозиргидек 300-350 киши эмас, балки 500 нафар маҳаллий ёшлар ишлаган ҳам бўларди.

■ **Музаффар ШАРОПОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бухоро шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан шаҳар меъморий мажмуига кирувчи ҳовузларни тиклаш ишлари бошлаб юборилди.

Ўтган асрнинг йигирманчи йиллари ўрталаридаги кўҳна Бухорода юздан зиёд ҳовуз бўлиб, шаҳар аҳолиси асосан шу ҳовузларнинг сувидан ичарди.

БУҲОРО ҲОВУЗЛАРИ ТИКЛАНАДИ

Лекин кейинчалик бу ҳовузларнинг кўпчилиги эътибордан қолиб кетди. Эндиликда биринчи бўлиб Жўйбори Калон ва Волидаи Абдулазизхон масжидларини ўз ичига олган Жўйбор меъморий мажмуининг ҳовузи тикланмоқда. Айни пайтда ҳовузни тиклаш ишлари ниҳоясига етказилаётир.

Кейинги навбатда Говкушон мажмуининг Хўжаи Калон масжиддаги ҳовуз тикланади. Ушбу хайрли ишда шаҳар маъмуриятига корхоналар, фирмалар ва жамоат ташкилотлари яқиндан ёрдам кўрсатяпти.

■ **«Туркистон-пресс»**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ДОРИ-ДАРМОНДАГИ ДАРДЛИ, ТАШВИШЛИ ҲОЛАТЛАР»

Шу йилнинг 30 май куни «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган республика «Дори-дармон» Давлат акциядорлик уюшмаси бошқаруви раисининг муовини О. Хожиметовнинг «Дори-дармондаги дардли, ташвишли ҳолатлар» мақоласида келтирилган жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди фаолиятидаги салбий ҳолатлар тўғри танқид қилинган.

Ушбу мақола юзасидан Қўқон шаҳар судида кўрилган дори-дармон воситалари билан ноқонуний савдо қилишга оид барча маъмурий ишлар назорат тартибида ўрганиб чиқилди.

Э. Кечинова, Д. Турсунова, Р. Назаров, О. Аллоев ва бошқаларга оид маъмурий ишлар бўйича қабул қилинган суд қарорлари ноқонуний деб топилди ва бекор қилинди.

Бу турдаги ишларни кўришда масъулиятсизликка йўл қўйгани учун жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг раиси А. Муҳамедовга нисбатан 2002 йил 6 июнда интизомий иш қўзғатилди ва тегишли интизомий таъсир чораси кўриш учун Фарғона вилоят судьяларининг малака ҳайъатига юборилди.

■ **Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг раиси О. ТУРҒУНБОЕВ.**

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Таниқли журналист, адиб Исмоил СУЛАЙМОНОВ Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб «Эл ардоғида» деб номланган китобини ёзиб, тамомлади. У яқинда «Шарқ» нашриётида чоп этилади.

Муаллиф ўзининг навбатдаги китобида республикамиз вилоятларида юртимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш мақсадида садоқат билан меҳнат қилаётган, маънавий ва маърифий қадриятларимизни аҳоли ўртасида кенг ёяётган, ўзларининг бой ҳаётий тажрибаларини ўғил-қизларимизга ўргатаётган, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаётган, муҳтож кишиларга саховат ва мурувват кўрсатаётган отахон ва онахонлар ҳақида ҳикоя қилади.

Қуйида ушбу тўпламга кирган лавҳалардан бири эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

БАХТЛИ ИНСОНЛАРДАН БИРИ

У эндигина пайкалдан чиққан ҳам эди, дала четига машина келиб тўхтади. Ундан уч киши тушди. Ким бўлдийкин булар, деб кўнглидан ўтказди Иброҳим. Улар орасидан бирини таниди — туман ҳокимлигида ишлайди, қолганларини эслай олмади. Тўхта-тўхта, ана у охирида келаётган ўзимизнинг раиску.

Иброҳим пешвоз юра бошлади, ҳар ҳолда меҳмонда, улар. Деҳқон хўжалиги ўтган куни режадаги ғаллани топшириб, орани очиқ қилган. Балки шу туфайли ҳорма-бор бўлга келишаётгандир, икки оғиз бўлса ҳам яхши гап айтмоқликдир ниятлари. Иброҳимнинг кўнгли кўтарилгандек бўлди. Юзма-юз келишиб, кўришишди, ҳол-аҳвол сўрашган бўлишди. Деҳқон хўжалигининг бошлиғи меҳмонларни шийпонга бошлади. Уюшма раиси уларни таништирди — бири вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан, иккинчиси ўша кўриб юргани, туман ҳокимлигидан.

Шийпонда ҳол-аҳвол сўралиб, бир пиёла чой ичилгач, меҳмонлар бир-бирига қараб олишди, гапни ким бошлайди, деган маънода.

— Раис, сиз шу ернинг одамисиз, келишимиздан мақсад не эканлигини ўзингиз айта қолинг, — деди вилоят вакили.

У бир томоқ қириб олди-да аста сўз бошлади:

— Иброҳим, ука, раҳмат сенга, яхши меҳнат қилдинг, ҳосил ҳам шунга яраша бўлди, ҳамма гапираяпти, қойил, отасига раҳмат дейишмоқда. Энди ука, катта бошимизни кичик қилиб, бир илтимос билан келдик.

Раис асосий гапни айтишдан олдин фикрини жамламоқ учун тин олди. Қандай илтимос экан деган ўйда Иброҳим хушёр тортди.

— Яшириб нима қилдик, бундан ўзинг ҳам хабардорсан, туман ва вилоят ғаллада пича оқсоқланиб қолди. Режадан ташқарисини ўзларингга олиб қолгансизлар, чўғи анча катта. Туманнинг обрўси учун, вилоятимизнинг обрўси учун ўша ғаллани топширсанг...

Иброҳим ҳамма нарсани кутса кутган эдики, аммо гапнинг нишоби бу томонга, бу зайлда бурилиб кетишини кутмаганди. Аввалига довдираб қолди, тўсатдан нима деб жавоб беришини ҳам билмай. Вой хом калла-эй, мен буларни режани уддалаганимиз учун табриклагани келаяпти, деб ўйлабман-а, ё тавба, кўнглидан ўтказди деҳқон хўжалигининг бошлиғи.

— Шундай қилмасанг бўлмайди, ука, — деб яна таъкидлади уюшма раиси.

— Сизлар айтаётган гапларнинг таги пуч, — Иброҳим бу сўзларни шу даражада хотиржамлик билан гапирдики, бундан бошқалар эмас, ўзи ҳам ҳайрон қолди. — Бундай деяётганимнинг боиси шуки, гектар бошига қанчадан ҳосил олдик, унинг қанчаси режани қоплаш учун кетди, ихтиёримизда неча тонна ғалла қолди, уни хўжалигимиз аъзоларига тақсимлаганда қанчаданга тушади — буларнинг барини биргаликда ҳисоб-китобини қилиб қўйдик. Хўжалик аъзоларидан кимлар олган ғалласининг қанчасини сотади, пулига рўзғор учун нималар харид этади — шуларгача режалаштирилган. Қолаверса, режадан ортиғи уларнинг ризқи, бу ризқни қия олмайман.

— Очиғини айтсам, сиздан бундай жавобни кутмаган эдик, — деди бироз асабий ҳолатда ҳокимлик вакили.

— Менинг ўрнимда сиз бўлсангиз, қандай йўл тутардингиз, ҳаммасига ваъда берганман, яхши ишлайлик, ҳосил қанча юқори бўлса даромадимиз ҳам шунча юқори бўлади, деб. Энди ер бизники, ундан чиққан ҳосил ҳам ўзимизники, деб неча бор айтганман. Ҳар куни радиодан, телевизордан бу гаплар такрорланиб туради. Ёддан кўтарилмасин, хўжалигимиз жамоаники эмас, фермер хўжалигиники, ҳосил шу ерга ишлов берганники, тер тўкканники, ўзга бирор кимсанинг ишларимизга аралашувига йўл қўйилмайди — давлатимиз бизга шундай деб ўргатмоқда. Агар билсангиз, қонунни бузмоққа ҳеч кимнинг ҳадди йўқ.

Охирги сўзлар билан Иброҳим бу ҳақда гаплашиш ортиқча деган маънони таъкидлади.

Меҳмонлар оғринибгина ўринларидан турар экан, улардан қайси бирлари «афсус...-афсус» деди. Хайрлашиш кутиб олишга нисбатан анча совуқ бўлди.

Бўлиб ўтган бу баланд-паст гаплардан ферма ходимлари воқиф бўлишди. Ўз раҳбарларига ҳурматлари ошди, киройи раҳбаринг шундай бўлса, сен учун кўкрагини қалқон қилишдан, ўзини ўтга-чўққа уришдан чўчимаса, дейишди.

— Биласизми, — дейди Иброҳим, — кишилар орасида шундайлари ҳам бор, ҳокимлик эшигига танда қўйиб, ётиб оладилар, ер бер, деб талаб қиладилар, акс ҳолда устиларингдан ёзаман, деб дўқ-пўписа қиладилар. Охири ер ҳам оладилар, ишловга келганда ҳаммаси қўл учида, қарабсизки, экинзорни ёввойи ўт босган бўлади, ўшалар касофатига хўжалик оқсайди, туман судралади. Жонини жабборга бериб ишлаганлар ҳисобига режани ёпмоқчи бўлишади. Ўзингиз айтинг-чи, қани адолат, қани ҳақиқат?

(Давоми 2-бетда)

ҲАҚИҚИЙ ҲАМКОРЛИК – ҚАЛИН ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

2001 йилнинг январида 60 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит берилган бўлса, 2002 йилнинг мартида Япония ҳукумати Ўзбекистонга 188 миллион долларлик имтиёзли кредит ажратиш ҳақида қарор қабул қилди.

Умуман, Япония шу чоққача мамлакатимизга киритган сармоянинг ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Мамлакатимизда 18 япон компаниясининг ваколатхонаси, бир неча қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 1999-2000 йиллари Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Япония Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO) минтақавий ваколатхоналари очилган. Улар техникавий ёрдам лойиҳаларини амалга ошириш, икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида алоқа ўрнатишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Икки томонлама муносабатлар ривожида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталарининг ҳам аҳамияти катта. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йили май ойида Японияга буюрган расмий ташрифи чоғида тузишга келишиб олинган ушбу қўмиталар мунтазам равишда қўшма мажлислар ўтказиб туради. Бунинг натижасида шериклик қилаётган ишбилармонлар бир-бири билан тез-тез тиллашиб, ҳолидан бохабар бўляпти, икки мамлакатнинг йирик корхоналари, молиявий муассасалари ва хусусий тадбиркорлари ўртасидаги бевосита алоқалар мустаҳкамланяпти. Галдаги йиғилиш шу йилнинг кузида Токиода ўтказилиши режалаштирилган.

Маданий алоқалар борасида 2001 йилнинг августида Тошкентда «Юдзуру» («Тунги турна») операси намойиш этилгани катта воқеа бўлди. Бу тадбир Японияннинг бошқа собиқ Бош вазири Цутому Хатанинг ташаббуси билан ташкил этилди.

Ўзбекистон ва Япония археологлари ҳам узоқ йиллардан буён яқин ҳамкорлик қилиб келади. Мамлакатимизда буддавийлик маданиятининг ёдгорликлари очилишида япон археологи К.Катонинг ҳиссаси катта бўлгани боис у 2002 йилнинг майида давлатимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Бу йил апрель ойида яна бир эътиборга молик воқеа рўй берди. Т.Асо, Й.Мори, Н.Накаяма каби депутатлар ташаббуси билан, Япония парламентида «Япония Либерал демократик партияси — Ўзбекистон» номини олган дўстлик лигаси тузилди. Олий қонун чиқарувчи органда энг нуфузли партияларнинг биридан сайланган депутатларнинг бундай ташаббусга қўл ургани, албатта, муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Кунчиқар мамлакатига буюражак бу галги расмий ташрифи қандай кечишини муносабатларимизнинг ана шундай кўтаринки руҳидан келиб чиққан ҳолда тасаввур этиш қийин эмас. Бу галги музокаралар ҳам ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, Японияндан янада кўпроқ сармоя жалб этиш, сиёсий, ижтимоий ва маданий алоқалар кўламини кенгайтириш учун катта имкониятлар эшигини очиши шубҳасиз.

■ **Анвар БОБОЕВ, ЎзА шарҳловчиси**

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

БАХТЛИ ИНСОНЛАРДАН БИРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу беш йил аввалги воқеа. Ўша йили оилавий пудратга ўтиладиган бўлди. Иброҳим иккиланиб турганлигини кўрган ширкат хўжалиги раиси Мамазуҳур Намозов далда берган бўлди:

— Иккиланмай олавер, худога шукр, норғул ўғилларинг бор. Биз ҳам қараб турмаймиз, ёрдам берамиз.

Астойдил берилиб ишлашди. Ҳосил ҳам шунга яраша бўлди. Биринчи теримнинг ўзидаёқ пахта режаси уддаланди.

1997 йили ер эгасини топсин, дейишди. Шу боис фермер хўжаликлари тузила бошланди. Иброҳим 20 гектар ер олди. Шартнома 28 центнердан эди. Аслида 32 центнердан ҳосил кўтарди. 1998 йилга келиб экин майдони 60 гектарга етди. Туман «Нуроний» жамғармаси ҳузурида ташкил этилган бу фермер хўжалигига «Фахрий азамат» деб ном беришди. «Ишимиз ҳам шу номга яраша бўлиши керак» деб тайинлагани-тайинлаган хўжалик ходимларига Иброҳим. Бундан икки йил аввал пахтага зараркунанда тушганида трактор топилмай роса қийналишди. Ўшанда ният қилишди, худо бериб, ҳосилимиз мўл, даромадимиз мўмай бўлса, ҳаммадан аввал трактор сотиб оламиз, деб. Худойим ўша кунга етказди. Бугунги кунда фермер хўжалигининг ўз трактори, ўз культиватори, ҳатто тележкаси бор.

Мулкка эга бўлиш ҳисси одамларда ташаббус ва ғайрат уйғотмоқда. Кишилар то кўнгилларидаги юмушлар битмагунча даладан кетишмайди. Шунга яраша даромад ҳам ортиб бормоқда. Мана, ўтган йилни олиб кўрайлик — соф фойда етти миллион сўмни ташкил этди. Хўжалик бошлиғи Иброҳим фермер деган ном олди.

Аслида Иброҳим бундан тўрт йил аввал пенсияга чиққан эди. Умри меҳнат билан ўтган бу инсон уйда ўралашиб қолишни ўзига эп билмади. Ўғиллари Абдулла, Акбар ва Бахтиёрларни олиб, яна далага чиқди. Астойдил меҳнат қилди, тадбиркорлик билан иш юритди. Эндиликда Сирдарё вилоятининг Гулистон туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалигида бўлсангиз «Фахрий азамат» фермер хўжалиги бошлиғи Иброҳим Мирзабеков тўғрисида барча оғзидан бол томиб гапиради, у бой фермер, бели бақувват, курби ҳар нарсага етади, дейишади.

Ер ҳақиқий деҳқон қўлида бўлса у яйраб-яйраб мўл ҳосил беришини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда. Ширкатда ўртача ҳосилдорлик 28 центнер бўлса, фермер хўжалигида ҳали 32 центнердан паст олинган эмас. Экин майдонлари шўр босган Мирзачўл ерларида бу кўрсаткич чакки эмас. Галладан эса 45 центнердан ҳосил ўриб-йиғиб олишмоқда.

— Фермангизни номи «Фахрий азамат», бунинг устига у «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими ҳузурида ташкил этилган. Олаётган соф фойдангиздан камхарж, ёлғиз қарияларга муруввват кўрсатяпсизми? — деб сўраймиз.

Иброҳим жимиб қолди, ўйланди, сўнг хижолат бўлган киши сифатида аста гапирди.

— Энди, мен сизга айтсам, фалончига уни бердик, пистончига буни бердик, десак бизга тўғри келмас, бундай сўзлаш мусулмончиликда хуш кўрилмайди...

Мана шу сўзларда хокисор, камтар, умри меҳнатда ўтган кишининг бутун бўй-басти, маънавий қиёфаси ҳар қандай сўзларга қараганда яққолроқ гавдаланди. Ҳавас ила тикиламан унга. У майин жилмайганча қараб туради менга — худди «ана шунақа гаплар», дегандек.

Кейинчалик ўғлидан сўрадим, ўша мени қизиқтираётган гапларни. «Адамлар билмасин мен айтган гапларни» деб огоҳлантиргач, ярим-ёрти қилиб айтди. Ўз ҳудудларида истиқомат қилаётган ночор кишиларга 10-12 килограммдан ёғ, 50-60 килограммдан кунжара, 100 килограммдан шелуха тарқатилган. Фермер хўжалиги мактабни таъмирлашга баҳоли қудрат маблағ ажратган, буғдойни қишлоқдаги аҳолига бозор нархидан уч баробар арзон нархга сотишади. Муҳтож кишиларга эса текинга беришади.

— Иброҳим акадан биз жуда миннатдормиз, — дейди «Нуроний» жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими Кенгашининг раиси Абдусаттор Муҳамедов. — Қарияларимиздан ҳамиша хабардор бўлиб турадилар, ёрдамларини аямайдилар. Отахон ва онахонлар бу фермер хўжалигимиз ишларига доимо Худодан ривож тилайдилар.

Инсон учун энг катта бахт нима деб сўралса, ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Аммо ҳеч ким эътироз билдиролмайдиган бир жавоб бор, бу — элюрт ҳурмати, эътибори. Иброҳим Мирзабеков ана шундай ҳурматга сазовор бахтли инсонлардан бири.

■ **Исмоил СУЛАЙМОНОВ**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАЁТИДАН

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши ижроия бюросининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Марказий Кенгаш қарорига мувофиқ ўтказиладиган минтақавий семинарга тайёргарликнинг бориши ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши бўйича бўшаб қолган сайлов округларида ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш учун ХДПдан депутатликка номзодлар кўрсатиш масалалари кўрилди.

Ғузор туман партия кенгаши, «Экосан» халқаро жамғармаси туман бўлими билан биргаликда, Ўзбекистон ХДПнинг Экологик дастурини ҳаётга татбиқ этишга бағишлаб йиғилиш ўтказди. Унда партия, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари, «Экосан» жамғармаси маҳаллий тузилмалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари қатнашдилар. Йиғилишда ЎзХДП туман кенгаши биринчи котиби Р.Холмонова, «Экосан» жамғармаси туман бўлими раҳбари С.Сафарова, қатор бошланғич партия ташкилотлари котиблари (А.Тўраев, К.Умаров ва бошқалар) сўзга чиқдилар. Улар Ўзбекистон ХДП Экологик дастурида илгари сурилган «Табиат – Жамият – Инсон» ўртасидаги мувозанатни тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларда партия ташкилотлари, ХДП барча аъзолари, кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаронинг иштирок этишига эришиш, аҳоли экологик маданиятини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш масалаларига тўхталиб, таклифлар киритдилар. Йиғилиш сўнггида туман партия кенгаши ва «Экосан» халқаро жамғармаси маҳаллий бўлими томонидан, 2002 йилнинг иккинчи ярмида, ҳамкорликда ўтказиладиган экологик тадбирлар режаси қабул қилинди.

Тўрткўл туман партия кенгаши Ўзбекистон ХДПнинг Экологик дастури мазмун-моҳиятини партиядошлар ва кенг аҳоли орасида ҳар томонлама тушунтириш ҳамда уларни дастур ғояларини рўёбга чиқаришга йўналтириш мақсадида, махсус ташвиқот гуруҳини тузди. Унинг таркибида туман партия кенгаши масъул ходимлари ва фаолларидан ташқари Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Экосан» халқаро жамғармаси, Санитария назорати маркази, «Дўстлик байроғи» газетаси таҳририяти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий бўлинмалари, Тўрткўл телевидениеси раҳбарлари бор. Гуруҳ ўз фаолиятини Ўзбекистон ХДП Экологик дастури матнини туман газетаси саҳифаларида чоп эттириш, маҳаллий телевидениеда экология мавзуларига оид қатор чиқишларни ташкил этиш, тумандаги касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт билим юрти, Навоий номидаги ва «Боғбон» маҳаллаларида учрашув ва «давра суҳбатлари»ни ўтказишдан бошлади.

ЎзХДП Пахтаобод кенгаши «Пахтакор» ва «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ўрамидаги маҳаллалар фаоллари йиғилишини ўтказди. Унга қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, умумтаълим муассасалари ҳамда ширкат хўжаликлари раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари таклиф қилиндилар.



«АБИТУРИЕНТ — 2002»



Ўтган шанба куни мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида абитуриентлардан 2002-2003 ўқув йили учун ҳужжатлар қабул қилиш ниҳоясига етди. Шу кунларда эса республикамиздаги академик лицей, коллежлар билимга чанқоқ йигит-қизлар билан гавжум.

Тошкент банк коллежи халқ хўжалиги учун банк иши, молия агенти, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва солиққа тортиш, ҳуқуқий хўжалик фаолияти йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаб беради. Ўтган ўқув йилида билим даргоҳини қирқ нафар йигит-қиз имтиёзли диплом билан битирганлиги эса мазкур коллежнинг моддий техника базаси қай даражада юксаклигидан далолат бериб турибди. Ҳозирги кунда бу ерда тўрт нафар профессор, ўндан ортиқ фан номзоди, юз нафардан зиёд юқори малакали ўқитувчилар ёшларга таълим-тарбия беришмоқда. Коллеж дарсхоналари тўлиқ компьютерлаштирилган.

— Билим даргоҳимизда асосан умумтаълим мактабларининг тўққизинчи синфини тамомлаган ўғил-қизлар таҳсил олишади, — дейди қабул ҳайъати масъул котиби Садриддин Муҳиддинов. — Ўрта мактабни битирган ёшлар эса «Солиқ ва солиққа тортиш», «Банк иши» ихтисосликлари бўйича ҳужжат топширишади. Бу йил режа бўйича 400 нафар йигит-қизларни ўқишга қабул қилиш кўзда тутилган. Ҳозиргача топширилган ҳужжатлар сони эса мингдан ошди.

Ҳа, бу билим масканида таълим олиш истагини билдираётганлар кўп. Аммо, бу бахт кимга насиб қилиши яқин кунларда ўтадиган тест синовларидан кейин маълум бўлади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

✧✧✧

Суратларда: коллеж қабул ҳайъати фаолиятидан лавҳалар.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ГЕРМАНИЯДА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ КЎРГАЗМАСИ

Лейпциг савдо-саноат палатасида Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Унда қирқдан зиёд Германия фирмалари вакиллари, тадбиркорлар ва етакчи иқтисодчилар иштирок этди.

Йиғилганларни қутлар экан, Лейпциг савдо-саноат палатаси президенти В. Топф Ўзбекистон Германиянинг Саксония ўлкаси учун энг муҳим ҳамкор эканини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда фақатгина Саксония ўлкаси фирмалари иштирокидаги инвестицион лойиҳаларнинг умумий ҳажми 400 млн. еврога етганлиги бунинг яққол исботидир.

Ўзбекистоннинг Германиядаги элчиси В. Норов йиғилганларга юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, чет эл инвестициялари учун яратилган шароитлар, валюта сиёсатини эркинлаштириш жараёни тўғрисида гапириб берди.

Кўргазма давомида германиялик ишбилармонлар Марказий Осиё бозорларининг аҳволи, шартномалар тузиш жараёни, истеъмолчиларнинг харид қобилияти ва техник жиҳозларни олиб кириш масалаларига оид батафсил маълумот олди.

■ **«Жаҳон» АА**

Ғайрат МАШАРИПОВ

Партиямиз оғир жудоликка учради. Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби Ғайрат Назарович Машарипов 67 ёшида вафот этди.

Ғ.Н. Машарипов Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги Саноат қишлоғида 1935 йилда хизматчи оиласида таваллуд топди. Ўрта мактаб ва К. Тимирязов номидаги Москва қишлоқ хўжалиги академиясида таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси агрономлигидан бошлаб, узоқ йиллар давомида у мазкур бошқарма бошлиғи ўринбосари, Хоразм вилоят қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси директори вазифаларида ишлади. 1970 йилдан Ғ.Н. Машарипов туман, вилоят, республика миқёсидаги турли идораларда раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. Ғ.Н. Машарипов қаерда ишламасин, у ҳамиша ўзининг чуқур билими, моҳир ташкилотчилиги, жонкуярлиги ва одамларга ғамхўрлигини намойиш этди. 1969 йилда қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасини олишга сазовор бўлди, 1975 йили унга Республикада хизмат кўрсатган агроном фахрий унвони берилди.

1991 йилдан Ғ. Н. Машарипов ўз ҳаётини Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан боғлади. У Хоразм вилоятида янги партия тузилмаларини ташкиллаштириш ишларига бошқош бўлди, 1991 йилдан ҳозиргача вилоят партия кенгашининг биринчи котиби лавозимида ишлаб келди. У партия Марказий Кенгаши ва унинг Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси этиб сайланди. Ғ.Н. Машарипов қатор чақириқ республика Олий Кенгаши, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида самарали фаолият кўрсатди.

Вилоят партия ташкилоти Ғ.Н. Машариповнинг раҳбарлигида ўз сафларини кенгайтирди, аҳоли ўртасида муайян эътибор топди ва мавқеини мустаҳкамлади. Унинг фидокорона меҳнати давлат мукофотлари — орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ғайрат Назарович Машариповнинг ёркин хотираси унинг дўстлари ва сафдошлари ёдидан ўчмайди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси.**

VERIM
ВЕРИМ ПЛАСТИК
ЯНГИЛИК!
ИССИҚХОНА ПЛЁНКАСИ
(ТУРКИЯ МАҲСУЛОТИ)
Иссиқхоналар учун ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотимиздан 3 йил фойдаланилади. Бу плёнка терламайди, зарарли қуёш нурлари ва микробларни ўтказмайди.
Эни: 6, 7, 8, 9, 10 метр. Бўйи: 70, 80, 90, 100 метр.
Шунингдек, ҳар хил ҳажмдаги буюртмалар қабул қиламиз.
Дилерларни ҳамкорликка таклиф этамиз.
Тел/факс: 90-43-09, 18.00дан 55-92-71

ЁНИБ ЯШАМАСАНГ —

АЙРИМ ТУМАНЛАРДАГИ МАЖЛИСБОЗЛИК, ТАДБИРБОЗЛИК, ДЕҲҚОНЛАРГА АҚЛ ЎРГАТУВЧИ ДАЛАМА-ДАЛА КЕЗАЁТГАНИ, БИРОҚ БУ ҲОЛАТЛАР ПАХТАНИ КЎПАЙТИРМАЁТГАНИ,

Бухоро вилоятида сурункасига давлатга пахта сотиш шартномавий режаси бажарилмай келинмоқда. Биргина 2001 йилда вилоят бу соҳадан режадагидан 62835 тонна кам ҳосил етиштирди. Ўн битта туман, 106 та ширкат хўжалиги, 1553 та бригада, 6588 нафар пудратчи қуруқ қўл билан қолди. Ширкат хўжаликларида сут, гўшт ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайди, сигир, қўй-эчкилар сони камайиб кетди. Соҳа кўпчиликнинг кўз ўнгида ночорликка юз тутмоқда. Нега?

Қизиғи шундаки, кейинги беш-олти йилда вилоятда мажлисбозлик, тадбирбозлик, ҳар хил «кун»лар кўпайди. Деҳқончиликда тўғри бўлади деб чамаланган «раислар куни», деҳқонга ақл ўргатадиган текшириш гуруҳларининг ҳам самараси кўринмайди. Ҳар хил идоралар раҳбарларининг ўз иши қолиб, далама-дала кезиши ҳам пахтани кўпайтирмади, чорвани ёшартирмади. Аксинча, сарф-харажатлар кўпайди, асаббузарликлар, кадрларнинг безиши чуқур илдиз отмоқда. Нега?

Президентимизнинг халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқини синчиклаб ўқиб чиққан бухороликлар бу ва шунга ўхшаш қатор саволларга оз бўлса-да жавоб топгандек бўлдилар. Қаерда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш, меҳнаткаш манфаатдорлиги ва турмуш шароитини яхшилаш борасида янгиликка интилиш қарор топган муҳит яратилган бўлса, ўша ерда депсинишга ўрин қолмайди. Дарвоқе, вилоятнинг Вобкент, Бухоро, Қоровулбозор туманларида буни яққол кўриш мумкин. Бу туманларда кадрларга нисбатан қўйилаётган талаб, раҳбарларнинг одамларга бўлган ғамхўрлиги, меҳрибонлик кўрсата олиш қобилияти нечоғлик юксаклигини пайқаш қийин эмас. Ўрта бўғин кадрларидан тортиб, хўжалик раҳбарлигигача эртанги кунга ишонч масъулияти кучли. Одамлар шу боис уларга астойдил эргашади. Бинобарин, одамлар эл-юртнинг дарди-ташвиши билан умргузаронлик қилаётган, қўл остидагиларни ҳамиша ҳимоя қила оладиган раҳбарнинг юзини ерга асло қаратмайдилар.

— Ислоҳотлар боис ҳаёт олдимизга кўп муаммо ва вазифаларни қўймоқда, — дейди Вобкент туман ҳокими Муҳиддин Эсанов. — Буларни албатта халқимиз билан биргаликда амалга оширишимиз даркор. Керак бўлса, кеча-кундуз халқимиз билан биргаликда юриш, истиқболдаги юмушлар ташвиши оромимизни бузиши даркор. Шунда халқ бизу сиздан рози бўлади. Шу нуқтаи назардан биз ишчан кадрларни асраб-авайлаймиз, заҳирани бойитиб борамиз.

Ҳақ гап, Вобкентда ана шундай жонкуяр раҳбар кадрлар жуда кўп. Кўпчилик ширкат хўжаликлари раҳбарлари 8-10 йилдан буён бир ерда ишлайди. Замон талабини англаган, масъулиятни ҳис этган ҳолда ишлаш уларнинг эътиқодига, ҳаёт мазмунига айланган. Биргина мисол: тумандаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида ишлар кўнгилдагидай бўлмади. Шундай қўшни хўжаликни саккиз йил бошқарган тадбиркор раҳбар Асрор Бобоевга ҳокимлик катта ишонч билдирди. Янги раҳбарнинг саъй-ҳаракати билан хўжалик қишлоқларига тоза ичимлик сув олиб келиняпти. Тикувчилик цехи очилиб, 15 хотин-қиз ишга жалб қилинди. Ғишт заводи ишга тушди, паррандачилик фермаси қайта тикланди, балиқчиликни йўлга қўйиш ҳаракати бошланди. Ёшлар учун спорт мажмуаси қуриш ишлари бошлаб юборилди. Қисқа вақт ичида шунча ўзгариш. Ана шундай раҳбар кадрлари бор туман мустақиллик йилларида ўз ўрнини бошқага берган эмас. Агар 1990 йилда туманда 79 та корхона бўлган бўлса, ҳозир улар сони 700 дан ошди. 250 ишчи ўрнига эга бўлган «Медатекс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси нуқул экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаради.

Афсуски, вилоятнинг айрим туманларида бошқача аҳвол. Жондор, Олот, Ромитан, Қоракўл туманларидаги ширкат хўжаликлари раислари тест синовларида деярли ўз билимларини атрофлича намойиш эта олмадилар. Шу билан бирга бошқа айрим соҳаларда ишлаётган раҳбар ходимлар савияси пастлиги ҳам аён бўлиб қолди. Халқнинг тепасида кимлар турибди, уларнинг лаёқати қандайлигини тест кўрсатди-да!

Бинобарин, ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади деган ибора бугун ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Кейинги уч ярим йил ичида Жондор туманидаги сурункали қолоқликнинг боиси шундан бўлса, ажабмас. Бултур туманда асосий экинлар пахта, дондан кўзда тутилган ҳосил олинмади. Бурноғи йилга нисбатан давлатга 2105 тонна кам пахта сотилди. Ёки бултур режадаги 55 минг тонна ўрнига 42675,7 тонна пахта ҳосили олинди. Дон ишлаб чиқариш 4501 тоннага камайтириб юборилди. Бу ҳам ер ҳақиқий эгасини топмаган, раҳбарлар ўзибўларчилик кайфитидан қутула олмаганидан нишона.

Хусусан, Ғиждувон, Когон, Олот туманларида деярли қўшма корхона йўқ, қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар талаб даражасида эмас, кадрлар қўнимсизлиги юқори. Олот туманида кейинги беш йилда бирор марта ҳам пахта етиштириш режаси бажарилган эмас. Кадрлар тез-тез алмаштириб турилишидан оддий деҳқон азият чекмоқда, косаси мой, киссаси пул кўрмайди.

Яна бир гап. Раҳбар билимли бўлмаса, жамоасини нурли истиқболга етаклай олмайди. Шу йилнинг бошида вилоят қишлоқ хўжалиги раҳбар ходимларининг ўқуви бўлиб ўтганди. Унда иштирок этганлардан 28 киши аранг «уч», икки киши эса «икки» баҳо олишганди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП сафларини мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор қаратилди. Туман партия кенгаши биринчи котиби М.Ғуломов Марказий Кенгаш IV пленуми қарорлари асосида партия ташкилотларининг фаоллигини кучайтириш орқали унинг обрў-эътиборини ошириш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берди ва ЎзХДП сафларини билимли, меҳнатсевар, янгиликка интилувчан, эътиқодли ёшлар ҳисобига кенгайтириш лозимлигига алоҳида урғу берди. Тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари Р.Абдураҳмонова иштирок этди.

Андижон шаҳридаги «Ўзбекистон», «М.Алибой» ҳудудий ва Тери-таносил касалликлари шифохонаси бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган умумий мажлисларда ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, ХДП сафларига янги аъзоларни қабул қилишни яхшилаш, партия марказий матбуотига обунани давом эттириш масалалари муҳокама қилинди. Шаҳар кенгаши масъул ходимлари партия сафига янги қабул қилинган фуқароларга ЎзХДПга аъзолик билетлари топширилди.

Самарқанд шаҳридаги Сиёб, Боғишамол ва Темирйўл туманларидаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари кенгашлари йиғилишлар ўтказдилар. Сиёб ва Темирйўл туманлари БПТ котиблари кенгашлари раислари М.Розиқов, Н.Толибов, «Нафис» АЖ, сил касалликлари шифохонаси бошланғич партия ташкилотлари котиблари М.Зубайдуллаев, С.Мустафоев ва бошқалар Марказий Кенгаш тўртинчи пленуми қарорларини бажариш, партиянинг бўлажак парламент ислоҳотида иштирок этиши, партиявий-ташкилий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини яхшилаш масалалари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ушбу мақсадда шаҳар партия кенгаши қошидаги оқсоқоллар кенгаши, «Депутатлар» ва «Бибихоним» клублари аъзоларини кенг жалб қилиш таклиф этилди.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Партия Сирғали туман кенгаши ТАСИС дастурининг «Ўзбекистонда демократик жараёнлар ривожига кўмаклашиш» лойиҳаси ташкилотчилари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида инсон ҳуқуқларига бағишланган маърифий-тарғибий тадбирларни ўтказмоқда. Навбатдаги шундай тадбир Тошкентдаги Фуқаро авиацияси 243-корхонасида бўлиб ўтди. Корхона ишчи-хизматчилари ушбу лойиҳа эксперти Г.Раҳимова билан учрашдилар. У киши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонун билан муҳофаза қилиниши, уларни таъминлаш мақсадида республикамизда давлат ва ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар, қонунларни ўрганиш, билиш, уларга риоя қилишнинг аҳамияти каби масалаларга тингловчилар диққатини жалб қилиб, уларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди. Сухбатда ХДП туман кенгаши биринчи котиби Л.Исматова иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП Ғузор туман кенгаши, туман «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда, «Диний ақидапарастликнинг олдини олиш — бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири» мавзуида «давра сухбати» ўтказди. Суҳбатда бошланғич партия ташкилотлари котиблари ва фаоллари, хўжалик, ташкилот, муассаса, ўқув юртларида фаолият кўрсатувчи «Маънавият ва маърифат» марказлари раҳбарлари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар мавзуга оид фикр-мулоҳазаларини билдириб, аҳоли турли қатламлари, хусусан, ёшлар ўртасида олиб борилаётан тарғибот ишларини яхшилаш лозимлигини таъкидладилар.

Андижон туман партия кенгаши ҳамда туман ҳокимлигининг аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими биргаликда «Бўш ишчи ўринлари» ярмаркасини ўтказишга қарор қилдилар. Бошланғич партия ташкилотларига вақтинча ишсиз ЎзХДП аъзолари рўйхатини тузиб, уларни ярмаркага таклиф этиш топширилди.

«ТАНОВАР»НИНГ КОРЕЯДАГИ ТАРОНАСИ

Самарқанд давлат чет тиллар институтининг бир гуруҳ аълочи ва санъат шайдоси бўлган талаба қизлари Жанубий Кореяда ўзбекча ва корейсча куй-қўшиқ ҳамда жозибали рақслар ижро этиб, кўплаб дўстлар орттириб қайтдилар.

— Бизни Сеул яқинидаги Ин Чон аэропортида кореялик талабалар ва етти кунлик сафаримиз давомида ҳамроҳлик қилган Квангжу вилояти маориф ишлари бошлиғи Ким Чун Чи ва бошқалар кутиб олди, — дейди немис филологияси факультетининг 4-босқич талабаси Гулноза Очилова.

— Институтимизнинг Сожида Ашурова, Зебо Жаводова, Гулруҳ Маҳмудова, Мадина Нарзиева, Дилфуза Мансурова сингари талабалари иштирокида тузилган «Тановар» дастаси Чоннам, Хандонг, Хосео, Сеул университетларида концерт берди.

Учрашувларда ижро этилган миллий «Тановар», «Лазги» каби рақслар ва корейсча ўйин-қўшиқлар олқишлар билан кутиб олинди.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ШАРҲ

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ҲАМКОРЛИГИ ҲАҚИДА

Америка Қўшма Штатлари дунё сиёсатининг йўналишини белгилайдиган давлатлардан бири. Шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, бугунги кунда ана шу мамлакат билан кўп томонлама алоқаларимиз ҳамда яқин ҳамкорлигимиз, давлатлараро муносабатлар нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, тобора юксалиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга сафари ва у ердаги расмий учрашувлар ҳамда музокаларда эришилган натижалар, АҚШ Давлат котиби, мудофаа вазири, молия вазири ва бошқа юқори мартабали давлат арбобларининг мамлакатимизга ташрифлари, шунингдек, Ўзбекистон вакилларининг АҚШдаги кўплаб таниқли конгрессменлар, банкирлар, ишбилармонлар, мулкдорлар, сиёсатчилар, вазирликлар ҳамда идоралар билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйганликлари ва бу ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётганлиги фикримизнинг исботидир.

Назаримда, Ўзбекистон ўзига яқин дўст ва ишончли ҳамкор топди. Бу — ташқи дунё билан алоқада мустақил сиёсат юритишнинг самараси. Бу — Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва овозига эга бўлганлигининг шарофати. Бу — дунё микёсидаги долзарб масалалар ечимига ёндашувда Ўзбекистон ўз муносабати ва ўз қарашларига эга эканлигининг намоёни. Бу — Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ўз салоҳиятига эга келажаги буюк давлат эканлигининг эътирофи. Америка Қўшма Штатларидай куч-қудратга ва катта имкониятларга эга бўлган давлат фақат ана шундай омиллардан келиб чиқибгина Ўзбекистон тимсолида ўзига яна бир муносиб шерик ва ҳамкор топа олди. Бу ҳамкорликнинг ижобий натижаларини мамлакатимиз ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам ҳамма кўриб-билиб турибди. Ташқарида ҳавас қилувчилар билан бирга ҳасад қилувчилар ҳам йўқ эмас. Бироқ ҳеч қандай куч Ўзбекистонни ўзи танлаган йўлдан қайтара олмайди. Иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда демократик тамойилларни шакллантириб боришда, ҳарбий-техникавий ҳамкорликда ҳамда халқаро молия институтлари билан алоқаларни мустаҳкамлашда АҚШнинг ёрдами ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши биз учун жуда ҳам зарур. Албатта, ҳар қандай давлат ҳам яқин дўстни ва ишончли ҳамкорни аввало ўзининг манфаатларидан келиб чиқиб танлайди. Ўзбекистон ҳам ҳамкор танлашда ана шу қоидага амал қилди.

Турли соҳаларда Ўзбекистон билан АҚШнинг алоқаларини ривожлантириб, кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ҳужжатлар кўп имзоланган. Бироқ, ўтган йилнинг ноябрь ойида икки давлат ўртасида имзоланган Меморандум тарихий аҳамияти ва салоҳияти жиҳатидан уларнинг ичида энг муҳимидир. Чунки унда томонларнинг мажбуриятлари бандма-банд, муддатлари кўрсатилган ҳолда асослаб берилган. Жумладан, АҚШ ҳукумати Ўзбекистонга иқтисодиётни эркинлаштиришда, унинг рақобатбардошлигини оширишда, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатади. Бу ёрдамни, шубҳасиз, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро молиявий институтлар иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди. Шундай экан, Ўзбекистоннинг халқаро молиявий институтлар билан яқин ва самарали ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Америка Қўшма Штатлари федерал молия вазири Пол О`Нилнинг мамлакатимизга қилган ташрифи ана шу самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун қулай имконият яратади. Чунки у АҚШ томонидан Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Америкааро Тараққиёт банки ҳамда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкининг бошқарувчиси ҳамдир. Меморандумда ана шу банкларнинг айримлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишда АҚШ ёрдам бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Ўз навбатида Ўзбекистон ҳам Меморандумда қайд қилинган мажбуриятлари асосида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда қатъиятлик кўрсатиб, халқаро молиявий институтлар билан самарали ҳамкорлик имкониятларини кенгайтириш учун макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо, божхона ва тарифларни тартибга солиш, қонунчиликни кучайтириш, сармоядорларга қўшимча қулайликлар яратиш ва бошқа бир қатор йўналишларда изчиллик билан иш олиб боряпти. Бунинг ижобий натижалари кўзга ташланиб турибди. Буни АҚШнинг федерал молия вазири ҳам эътироф этди. Жумладан, у журналистлар билан суҳбатда Ўзбекистондаги ислоҳотлар юқори суръат ва изчиллик билан давом этаётганини ҳамда иқтисодиётдаги ўзгаришлар яққол кўзга ташланиб қолганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу Ўзбекистон ҳукумати Меморандумда ўз зиммасига олган барча мажбуриятларини бажараётганини кўрсатади.

Икки давлат ўртасида имзоланган ҳужжатлар, биринчи навбатда томонларнинг Меморандумда зиммага олинган мажбуриятларни бажаришдаги фаолликлари, Халқаро валюта жамғармаси делегациясининг Тошкентда бўлиши ва ниҳоят, АҚШ федерал молия вазирининг мамлакатимизга ташрифи Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан муносабатларга устуворлик мақоми берганлигини кўрсатиб турибди. Молия вазирининг журналистлар билан учрашувда айтган гапларидан яна шу нарсани англаш мумкинки, АҚШ бундан кейин ҳам Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан тараққий эттиришни жадаллаштиришда иштирок этиш ниятида.

Ўзаро ҳамкорликка асосланган ёрдам ва қўллаб-қувватлаш бўйича АҚШ бир қатор мажбуриятлар олган. Мен бу мажбуриятларнинг айримларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Яқин йиллар ичида Ўзбекистонга иқтисодий ислоҳотларнинг энг қизғин даврида рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ялпи молиявий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Ана шу мажбуриятлардан келиб чиқиб, АҚШ ҳукумати ўзининг ваколатли идоралари орқали Ўзбекистоннинг манфаатдор идоралари билан биргаликда АҚШ Экспорт-импорт банки (Эксимбанк)нинг амалдаги дастурларини қайта кўриб чиқиш ниятида. Шунингдек, Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари инвестиция-молиявий, савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий ҳамда инсонпарварлик соҳаларда икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва тартибга солишга ёрдам берадиган чора-тадбирларни амалга ошириш ниятидалар.

Аниқ ва лўнда қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлари билан кўп томонлама дўстона алоқалари ва яқин ҳамкорлиги ҳамда икки ўртада имзоланган ҳужжатлар мамлакатимизда демократик ўзгаришларни амалга оширишда, бозор муносабатларини чуқурлаштиришда, умуман, ислоҳотларни жадаллаштиришнинг изчиллигини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

■ **Иброҳим НОРМАТОВ,**
сиёсий шарҳловчи

ЧИКАГО ШАҲРИ КЎРИНИШИ

2000 ТА КОРХОНА ЁПИЛДИ

Германиядаги қишлоқ хўжалиги корхоналаридан 2000 таси ёпилди. Сабаб: жониворлар бўй ўстирувчи гормонал препаратлар билан боқилган, деган тахминлар бор.

ДПА ахборот агентлигининг хабарига кўра, шу масала бўйича икки ҳафтадан бери давом этаётган жанжал бугунга келиб Бремен ва Берлиндан ташқари бутун Германияни қамраб олди. «Жониворларни юқоридаги усулда боқиш бутун ГФРга ёйилганёйилмаганлиги ҳақида аниқ маълумотлар ҳозирча йўқ», дейилади ахборотда. Бироқ айрим ҳудудларда аниқланганлиги факт.

Хабарда ёзилишича, бундан энг кўп зарар кўрганлар Шимолий Рейн-Вестфалия ва Рейнланд-Пфальц ерларидаги деҳқонлар бўлди. Энди улар ўзларини сал ўнглаб олишлари учун қишлоқ хўжалиги банкларининг «махсус кредитлари»га муҳтожлик сезишмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «гормонлар можароси» сабабли ёпилган қишлоқ хўжалиги корхоналари нафақат Германияда, балки Нидерландия, Бельгия ва Люксембургда ҳам қайд этилган.

ОҚСИЛ КАСАЛЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Монголия жанубидаги Ховд туманининг чорвачилик қўтонларидан бирида жониворлар учун хавфли юқумли оқсил касаллиги тарқалганлиги қайд этилди.

Гап шундаки, бир чорвадор сигири номаълум касалликдан ўлганлигини маълум қилади. Доимий давлат фавқулодда комиссияси мутахассислари ва маҳаллий ветеринария хизмати вакиллари воқеа жойига бориб, жониворлар оқсил касаллигидан ўлганлигини аниқладилар. Қўтондаги 400 бош сигирдан яна 80 тасида оқсил вируслари борлиги маълум бўлди. Уларнинг бари йўқ қилинади. У ерда карантин эълон қилиниб, керакли чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Шу касаллик муносабати билан Россия 23 июлдан бошлаб мамлакатга Монголиядан гўшт олиб кирилишини тақиқлади.

МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ БЕКОР ҚИЛИНДИ

АҚШ БМТнинг оилани режалаштириш дастурини амалга ошириши учун молиявий ёрдам беришдан воз кечди. АҚШ Давлат котибининг хабар беришича, БМТнинг мазкур дастури учун ажратилиши кўзда тутилган 34 миллион доллар АҚШ ҳукумати назорати остида оилани режалаштириш борасидаги эҳтиёжларга сарфланиши лозим эди. Қўшма Штатлар дастурнинг йирик донори сифатида ҳар йили шу дастур бюджетининг 13 фоизини таъминлайди.

Ёрдам беришдан воз кечиш сабабига келсак, БМТ мазкур дастур сиёсатини юритишда АҚШ билан келишиб олмаганлигидир, яъни БМТ Хитойдаги мажбурий абортларга қарши курашишга етарлича эътибор қаратмаётганлиги бўлди, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги.

НАЗОРАТ ОСТИГА ОЛИНДИ

Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов кўрсатмасига биноан республикада русийзабон кўрсатувлар намойиш этувчи кабелли телеканаллар устидан назорат кучайтириладиган бўлди.

«Ҳозир ҳукумат улар фаолияти юзасидан ҳеч қандай ҳисоботга эга эмас. Улардан давлат фойда кўриши у ёқда турсин, ҳатто назоратга ҳам олинмаган. Эртага улар бизнинг сиёсатимизга қарши тарғибот юргизмаслигига ким кафолат беролади?», — деди Президент ҳукумат аъзолари йиғинида.

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ҲАММАСИ БЕКОР

ТЕКШИРИШ ГУРУҲЛАРИ ВА ТУРЛИ ИДОРАЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ ЧОРВА РИВОЖИГА ҲАМ НАФ КЕЛТИРМАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Тумандаги «Мохонкўл» жамоа хўжалиги Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилги 543-сонли қарори билан санацияга тортилганди. Афсуски, хўжаликка келиб-кетган раҳбарлар икки йил давомида иқтисодий аҳволни яхшилашга қурбилари етмади. 2000 йилни хўжалик пахтачиликдан 3 миллион 260 минг сўм, дончиликдан 10 миллион 149 минг сўм зарар билан якунлади. 2001 йилда бу миқдор ошса ошдики, камаймади, пахтачиликдан 6 миллион 180 минг сўм, дончиликдан 10 миллион 149 минг сўм, чорвачиликдан эса 297 минг сўм зарар кўрилди. Хўжаликда молиявий соғломлаштиришга эришилмагач, яқинда у фермер хўжаликлар уюшмасига айлантирилди. Худди шунингдек, тумандаги А.Навоий номли хўжалик қолоқлик ботқоғига ботган. Пахта ҳосилдорлиги йил сайин камайиб бораяпти. Харажат катта, даромаддан эса дарак йўқ. Шу йилнинг бошига келиб хўжаликнинг дебитор қарзлари 51 миллион 485 минг сўмни ташкил этган. Ёки «Андижон» ширкат хўжалигида 2001 йилда бирорта соҳада режа бажарилмаган. Ҳар гектар ердан 11,7 центнер пахта, 13,6 центнер дон, 25 центнер полиз олинган. Шу боис, йил 1 миллион 963 минг сўм зарар билан якунланган, иш ҳақи қарздорлиги 650 минг сўмни ташкил этаётир. Бунга аввало раҳбар жавобгар эмасми?

Бугунги кунда фермерларга кенг имкониятлар эшиги очилгани сир эмас. Аммо, ҳамон улар йўлидаги тўсиқлар олиб ташлангани йўқ. Фермерларни минерал ўғит, ёнилғи, техника, сув билан таъминлаш ўта қониқарсиз. Мавжуд 488 та фермер хўжалиги фаолиятини жонлантириш учун 44 та ҳайдов, 146 та чопиқ трактори керак. Аммо, улар 34-39 фоиз техника билан таъминланишган. Бултур фермерлар учун керак бўладиган 1979 тонна азотли ўғитнинг атиги 895 тоннаси берилган. Фосфорли ўғит таъминоти 27 фоиз, калийли ўғит таъминоти 0,1 фоизни ташкил қилади.

Шундан кўриниб турибдики, фермерларга сервис хизмати кўрсатиш яхши эмас. Бунда ҳам гап аввало раҳбар масъулияти ҳақида боради.

Тумандаги бундай нохуш ҳолатларга барҳам бериш янги ҳоким Холмурод Жумабоевнинг чекига тушди. У иш бошлагач, раҳбарликдаги иш услуби тубдан ўзгарди, барча бўғиндаги кадрларга нисбатан талабчанлик ошди. Шу боис туманда давлатга дон сотиш шартнома режаси вилоятда биринчи бўлиб бажарилди, қўшма корхоналар, фермерлар фаолияти жонланди.

Вилоятда хусусийлаштириш жараёнидаги сусткашлик ҳамон бартараф этилмаяпти. «Бухоросувқурилиш», «И. Фозилов», «Когон йиғматемирбетон заводи», «Ўзнаравтотранс», «11-ХАТП» акциядорлик жамиятлари ўз акцияларини бир неча йиллардан буён сотолмаяптилар. Кейинги уч йилда турли кўринишдаги 255 та акциядорлик жамиятидан 72 таси ҳозирги кунгача умуман дивиденд ҳисобламасдан келмоқда, 10 та акциядорлик жамияти эса ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида тўламасдан келаяпти. Бу 790 миллион сўмни ташкил этади.

— Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 56-моддасига мувофиқ, — дейди қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг Бухоро вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи Зокир Сайидов. — Умумий йиғилишда дивиденд тўлаш ҳақида қарор қабул қилган кундан бошлаб тўлов 60 кун давомида амалга оширилиши керак. Ҳолбуки, бу талабни «Ўзнефтгазмиллий холдинг» компанияси, «Пахтасаноат» ва «Ўзқишлоқтаъминоттузатиш» акциядорлик компаниялари тизимига кирувчи корхоналар мутасаддилари бажармай келяптилар. Натижада 4-5 йиллаб ишчилар дивиденддан бебаҳра.

Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, дивиденд тўловлари бўйича катта қарздорлик айниқса, Когондаги «Бухоронефтгазавтонакл» ҳиссадорлик жамияти (раиси Э. Зейналов)да берилмаган фойда улуши 103 миллион 128,3 минг сўмдан зиёддир. Жондордаги «Омад», Бухоро шаҳридаги «Нефтгазқурилиштаъмир», «Ромитан машина трактор парки» ҳиссадорлик жамиятлари (раислари — Б.Хўжаев, К. Бақоев, З. Шариповлар) ҳам юқоридаги ҳамкасбларидан бепарволикда асло қолишмайдилар. Ишчи ишлаб, корхонаси эртасини ўйласа-ю, ўз вақтида дивиденди ололмаса. Унинг айби нимада ахир?

Юртбошимиз Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида бугунги раҳбар кадр қандай киши бўлишини таърифлаб бергандилар. «Ким қандай тушунади-билмадим, лекин, менинг фикримча, раҳбарнинг аввало истараси иссиқ бўлиши керак. Истараси иссиқ дегани бу — унинг одамларга кўнгли очиқ бўлиши демакдир».

Бухоро вилоятида яна бир ташвишли ҳолга раҳбарлар эътибор қаратишлари лозимга ўхшайди. Бу ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқий тарбияни кучайтириш масаласидир.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисида Юртбошимиз раҳбар бурчи, масъулияти тўғрисида яна бир бор алоҳида тўхталди. Ҳар бир раҳбар, масъул лавозимлардаги кишилар одамлар ташвиши ва интилишлари билан яшаши фаолият мезонига айланиши зарурлигини таъкидлади.

Дарвоқе, юқоридаги қусурлардан ҳоли бўлиш мақсадида вилоятда «Кадрлар куни» ҳам жорий этилган. Ҳар ойнинг охирги жумасида ўтказилаётган бу тадбирда туманлар меҳнат жамоаларида кадрлар билан ишлашнинг аҳволи, раҳбарлар малакаси кўздан ўтказилмоқда. Бу самарасини берса ажабмас. Ҳа, энди ҳамма ҳам раҳбар бўла олмаслигини фаҳмлаб оладиган вақт етди. Зеро, бугунги раҳбар ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшамаса, ундан не фойда?

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДИҚҚАТ!

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасининг барча ҳудудий тизимларида жамоатчилик билан тезкор алоқа боғлаш мақсадида «Ишонч телефонлари» фаолият кўрсатмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракатни ташкил этишга оид фикр-мулоҳазалар, йўл-транспорт ҳодисалари содир қилиб, воқеа жойидан яширинган шахслар, транспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш, шунингдек, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг фуқароларга нисбатан қўпол муомалада бўлиш, таъмагирлик каби салбий ҳолатлар бўйича тезкор маълумот юбориш учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Бу билан сиз ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга, қонунчилик бузилишининг олдини олишга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз. Бизга ишонч билдирганингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси

●●●

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЙҲХ Бошқармаларининг

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

№	Ҳудудлар	Ҳудуд коди	Ишонч телефони	
1.	ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси	8 — 3712	1362661	1442850
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	8 — 36121	76892	70667
3.	Андижон вилояти	8 — 37422	69629	45442
4.	Бухоро вилояти	8 — 36522	41843	43505
5.	Жиззах вилояти	8 — 37222	62212	64802
6.	Қашқадарё вилояти	8 — 37522	52128	56702
7.	Навоий вилояти	8 — 43622	37590	37590
8.	Наманган вилояти	8 — 36922	43644	62010
9.	Самарқанд вилояти	8 — 3662	311212	222323
10.	Сурхондарё вилояти	8 — 37622	24105	24104
11.	Сирдарё вилояти	8 — 36722	73293	73293
12.	Тошкент вилояти	8 — 3712	1627483	643894
13.	Фарғона вилояти	8 — 37322	43251	44950
14.	Хоразм вилояти	8 — 36222	55086	56005
15.	Тошкент шаҳар	8 — 3712	549598	559804

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ 24 СОАТ ДАВОМИДА ИШЛАЙДИ

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни жамғарма раиси Ойниса Мусурмонова бошқарди. Аёллар ва ёш авлод соғлиғини мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш, оилада тиббий маданиятни яхшилаш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши учун зарур бўлган чора-тадбирларининг бажарилиши муҳокама қилинди. Ҳозир 9 вилоятда ногирон болалар туғилишининг олдини олиш, «Она ва бола скрининг» марказлари ташкил этилган. Йиғилишда «Соғлом авлод учун» жамғармаси Республика скрининг марказига хорижий ҳамкорларнинг 60 000 АҚШ долларига тенг асбоб-ускуна ва реагентлари топширилди.

Шунингдек, АҚШнинг «Смайл Трайн» халқаро инсонпарварлик ташкилоти «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасига 5 минг долларлик грант маблағи ўтказгани билдирилди. Бу саховат — юз-жағ нуқсонлари билан туғилган болаларни даволашга мўлжалланган қиммат-баҳо асбоб-ускуналар I Тошкент давлат тиббиёт институтининг болалар стоматологияси клиникасига берилди. Яккасарой туманидаги 6-болалар юқумли касалликлари шифохонасига эса туркиялик ишбилармон Фуат Эм тақдим этган «Рено» тез тиббий ёрдам автомобили ҳадя этилди.

■ **Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА**

МИЛЛАТ ВА ТАРИХ

ТАБАРРУК ТАХТ СОҲИБИ КИМ?

МИННАТДОР ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮРАГИ ЎЗ АСЛ ФАРЗАНДЛАРИГА, МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНЛАРИГА МАНГУ МАКОНДИР

Ҳар бир халқда бўлганидек ўзбекларда ҳам буюк миллий қаҳрамонлар, саркардалар, раҳнамолар бўлганки, биз улар ила чин юракдан фахрланамиз. Биз ўзимизни Амир Темур фарзандлари, деб атаймиз, Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек ва Навоий ворислари, деймиз. Қанчадан-қанча қаҳрамонлар озодлигимиз ва бахтимиз учун қурбон бўлдилар. Ушбу даҳо ва дарғаларни бугун эсламак, иззат-ҳурматини жойжойига қўймак — уларнинг ёркин хотираси олдидаги фарзандлик бурчимиз ва миллий ғуруримиз эмасми?!

Яқинда журналист ва ёзувчи Йўлдош Муқимовнинг «Табаррук тахт» деб аталган киноқиссасини ўқиб чиқдим. Ҳамшаҳар ва ҳамкасб бўлганлигим учун кўпдан унинг ижоди билан қизиқиб келаман.

Нега «Табаррук тахт»? Асарни ўқишни бошламасданоқ ўйлаб қолдим. Асар-ку Спитамен ҳақида ёзилган. Спитамен эса миллий қаҳрамонларимиздан бири, унга тахтга ўтириш насиб этмаган. Асарга «Табаррук тахт» деган тушунча қаердан кириб келди? Балки, Спитамен табаррук тахт учун курашгандир. Қани ўқиб кўрайлик-чи.

Асарни бир нафасда ўқиб чиқдим ва унда «табаррук тахт»ни топдим. Александр Македонский (халқимиз уни икки шоҳли Искандар Зулқарнайн деб атаган) Сўғдиёна мулкида (ҳозирги Нурота ва Хатирчи оралиғидаги Лангар тоғ тизмаларида) жойлашган Тахтизар қалъасини ва унда сақланаётган афсонавий туғрони эгалламоқ, шу зайл икки дунё султони бўлмоқ илинжида бостириб келади. Искандар ўз устози Арасту (Аристотел)дан қадимий сўғдий афсонасини эшитади. Бу афсонага кўра, баланд тоғ тизмалари оралиғидаги забт этиш мушкул бўлган Тахтизар қалъасидаги биллур гулбаргда қўлида Лочин қуши ушлаган султон суврати акс этиб, шуъла сочиб турадирким, ким унинг соҳиби бўлса, у ер ости ва ер усти дунёларининг ҳукмдори бўлғай.

Тахтизар қалъаси фақат Спитамен ва унинг азамат сафдошларигагина қароргоҳ бўлиб қолмай, балки кейинги асрлардаги миллий қаҳрамонларимизга ҳам бошпана бўлган. Бухоронинг сўнгги амири Сайид Олимхоннинг «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» китобида ҳикоя қилинишича, Зарафшон воҳасида кезиб, шўролар ҳукумати ўрнатилаётган ур-йиқит йилларида Мулла Абдуқаҳҳор деган халқ сардори ўзининг охирги кунларида Қизилқум саҳросига кириб яшириниган, тақдири номаълумдир, дейилади. Аслида эса босмачи, деб лаънат тамғаси урилган озодлик курашчиси Мулла Абдуқаҳҳор Фрунзе аскарларига зарба бера-бера гўё Қизилқум саҳросига кириб кетгану, лекин аслида эса, уни аниқ билган шахсларнинг ҳикоя қилишича, у Тахтизар қалъасига кириб яшириниган. Умрининг охирига қадар бошқа ном билан яшаган, оила қурган. Бу мисол афсонага ўхшаш ҳақиқатдир. Илло, ҳақиқат афсонага, афсона эса ҳақиқатга айланур. Иккаласи эгизакдир, бири-биридан туғиладир. Ким биладди, биз билган ва билмаган бошқа қанча миллий қаҳрамонларимизга ушбу бургутмакон тош қалъа — Тахтизар халоскор бўлгандир...

Киноқиссада ҳикоя қилинишича, бу дунё бойликларига тўймаган очкўз Искандар у дунё бойликларига ҳам эгалик қилмоқлик учун узоқ ва йироқ Тахтизар сари шошади. Йўл юриб, мўл юриб, қон кечиб, жон бериб, ниҳоят, Сўғдиёна тупроғига қадам қўяди. Зарафшон бўйида, Самарқанд остоналарида Спитама — покзод деган дарвеш билан биринчи бор тўқнашади. У дарвеш ҳозир бутун дунёга машҳур бўлиб кетган миллий қаҳрамонимиз Спитамен эди, ўз отаболари ором олиб ётган қабристонни зиёрат қилгали келган дақиқалар эди. «Дарвеш» билан мулоқот чоғида Искандар ўсмоқчилаб ундан Тахтизар ҳақида маълумот олишга интилади. Бундан кейин «Табаррук тахт» асарининг мазмуни ана шу атрофда айланади.

Асар давомида «табаррук тахт» кимга насиб этажагини афсонавий донишманд Бобобургут айтиб беради. Муҳтарам муштарий, асар мазмунини тўласинча айтиб бермасдан уни шу ерда тўхтатишни лозим топаман. У ёғини ўзингиз ўқиб, англаб оларсиз, деб ўйлайман. Киноқисса муаллифи халқимизнинг юқорида зикр этилган гўзал афсонасини ўз асарига асос қилиб олганки, бу ўқариқ унинг «Тўмарис» ва «Широқ» ҳақидаги айни кунларда ёзилаётган асарларига ҳам оқиб ўтади. Искандардан олдинги фотиҳлар — Эрон шаҳаншоҳлари Кайхисрав ва Доро I ҳам ўз вақтида юртимизга суқилиб кириб, табаррук тахтимизни эгалламоқчи бўлган эдилар. Бироқ уларнинг иккалови ҳам калласидан жудо бўлган эди.

Бу ўринда олдиндан айтиб қўйлиқки, «Табаррук тахт» асаридаги Бобобургутнинг ҳикматлари Тўмариснинг васиятлари ила ҳамоҳангдир, улар қалбимиздан мангу жой олғусидир. Табаррук тахт кўз қорачиғимиздадир, табаррук тахт қалбимиз тўридадир. Илло, бул табаррук тахт келгиндиларга эмас, балки халқнинг ўз фарзандларигагина насиб этғусидир. Элнинг қай фарзанди халқ меҳр-муҳаббатини қозонар экан, унинг кўнглини олар экан, ўшал фарзанд табаррук тахт соҳиби бўлур!..

Халқнинг киноқиссада акс этган иккинчи бир ривояти ҳам диққатга сазовордир. Чунончи, кўпгина тарихчиларнинг асарларида Спитаменни хотини ўлдирган (тарихчи Квинт Курций) ёки қабила бошлиқлари ўлдирган (тарихчи Арриан) деган маълумотлар келтирилади. Халқ эса ўз миллий қаҳрамони ўлишини истамайди ва шунинг учун бўлса керакки, унинг теран қалби яратган оғзаки ижодида Спитаменни ҳеч ким ўлдира олмайди. У душманга таслим бўлмай, бургут сингари ўзи ҳимоя қилган Тахтизар қалъаси ёнидаги қоялардан ташланиб ҳалок бўлади. Ўша тош халқ ижодида Тешиктош, Сангитош, Нолиштош шаклида айтиладиким, ўша тошлар пойида Спитамен билан биргаликда унинг саккиз нафар сафдоши ҳам ором олиб ётадир. Халқнинг ижоди нақадар эзгу ният, мангулик муҳри билан суғорилган! Зеро, миллий қаҳрамонлар ўлмасдир, мангу барқарордир...

Асар муаллифининг айтишига қараганда, афсона дейликми, ё рост дейликми, Самарқанд яқинида Спитаменнинг шажараси томирларига бориб тақалувчи авлодлар ҳам бор экан. Тойлоқ туманидаги Улуғбек номидаги жамоа хўжалиги раиси Мусо Тўраев китобий манбаларда тасвирланган Спитамен қиёфасини жуда-жуда эслатади. Худди Спитамен сингари мовийкўз, кенг яғринли, паҳлавонсифат одам. Суҳбат вақтида катта ғурур туйғуси ила Зарафшон бўйидаги Хўжасоқа қабристонида ўз узоқ аждодлари ором топиб ётганлиги, улар Афросиёб, Сиёвуш ва бинобарин, Спитамен авлодлари эканлиги ҳақида фахр билан сўзлайди ҳамда қўшиб қўяди: яқин орада Самарқанд аҳли қадим Афросиёб қалъасида Спитамен ҳайкалини ўрнатишни ният қилиб юрганликларини таъкидлайди.

...Ҳа, миннатдор халқимизнинг юраги ўз асл фарзандларига, миллий қаҳрамонларига мангу макондир. Ҳа, элимизнинг табаррук тахтига шу элнинг ўз асл фарзандларигина эга бўлишга ҳақлидирлар. Биз бугун донишманд Бобобургут сўзларини такрорлаб, бутун жаҳон афкор оммасига яна бир бор таъкидлаб айтамизки, бу олий ва эзгу тахт келгиндиларга, ажнабийларга ҳеч қачон насиб этмаган ва этмағай.

Тўғри, инкор этмаймиз, Туронзаминга фақат Александр Македонскийгина эмас, турли замонларда Чингизхон ва Қутайбалар, Скобелев ва Фрунзелар бостириб кирдилар, халқимизни қулга айлантирмоқчи бўлдилар. Бироқ бу қулликка, тутқунликка халқимиз тоқат қилиб, бардош бериб, қаҳрамонларча курашиб, ҳар гал ўз тахтини яна қўлга олди. Тўмарис ва Широқдек, Спитамен ва Жалолиддин Мангубердидек, Маҳмуд Торобий ва Муқаннадек сардор ва саркардаларни, Амир Темурдек буюк соҳибқиронни етиштирган халқ бугунга келиб, ўз табаррук тахтини яна ўз асл фарзанди қўлига топширди. Бу билан ҳар бир ўзбек мағрурдир.

Асарни ўқир эканмиз, беихтиёр ана шу маъно ва мазмун қулоғимиз остида янграб тургандай бўлади.

■ **Олимжон НАЗАРОВ**

«КИЧИК ЮЛДУЗЛАР АКАДЕМИЯСИ»ДА

Бугун мамлакатимизда халқаро аэрокосмик мактабнинг навбатдаги ёзги машғулотлари — «ХАКМ-2002» бошланади.

Аввалари машғулотлар «Коинот» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Невич» илмий базасида ва Самарқандда очилган бўлса, бу галгиси илк бор мамлакатимиз пойтахтида, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мажлислар залида бўлади. Мактаб тингловчиларига дастлабки маъруза — «Коинот эволюцияси»ни ХАКМнинг фаол ўқитувчиларидан бири, академия президенти Беҳзод Йўлдошев ўқийди. Шундан сўнг, тингловчилар ва мураббийлар Паркент туманига йўл оладилар. «Невич»да Воҳидов халқаро ёшлар аэрокосмик жамғармаси томонидан ташкил қилинган назарий машғулотлар ўтказилади.

«Кичик юлдузлар академияси» номини олган халқаро аэрокосмик мактабидаги машғулотлар мавзуси ва қатнашчилар географияси кенг. Машғулотлар вақтида илмий-техник, умумжисмоний ва махсус тарбия ҳамда маданий дастурлар амалга оширилади. Илмий-техник дастурда 24 соат лекциялар, 26 соат лаборатория ва амалий машғулотлар ҳамда экипажлар аъзолари билан якка тартибдаги 26 соатлик машғулотлар ўтказилиши кўзда тутилган. Дарвоқе, улар ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади.

■ **Алишер РЎЗИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДРЕЗДЕНДАН БИР ОЛТИН, ТЎРТ БРОНЗА

Германиянинг Дрезден шаҳрида 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича жаҳон кубоги мусобақалари поёнига етди. Унда дунёнинг 41 мамлакатидан 1200 нафардан зиёд ёш спортчи иштирок этди. Беллашувларда ҳамюртларимиз битта олтин ва тўртта бронза медали билан тақдирландилар.

Суратларда: *мусобақа совриндорлари; олтин медаль соҳиби Жавлон Маҳмудов ота-онаси билан.*

■ **Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**



ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҚЎҚОНДА ШУНДАЙ МУЗЕЙ БОР

Футбол ватанини биламизми? Қайси терма жамоа илк жаҳон чемпиони бўлган? Пеле ким? Бразилия неча карра олтин маъбудани қўлга киритган? Агар бугунги ўзбек мухлисларидан шу каби саволларга жавоб сўрасангиз, ишонаманки улар бехато жавоб беришади. Аммо, Ўзбекистонда миллионлар ўйини қачон пайдо бўлганлиги ва биринчи ўзбек футбол жамоаси нечанчи йили ташкил топганлигини ҳамма бирдек билавермаса керак.

Қўқонда шундай маскан борки, бу ерга қадам ранжида қилган киши, албатта футболимиз тарихига оид саволларга жавоб топиши шубҳасиз. Бу — 1987 йилда ташкил этилган Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги «Халқ таълими» музейи. Мазкур қадамжода бўлган юртдошларимиз нафақат шаҳримиз, балки Фарғона водийси ўтмишига оид экспонат, тарихий ашёлар, қўлёзмалар, суратлар билан ҳам танишади.

1912 йили биринчи маротаба футбол жамоаси Қўқонда ташкил этилиб, у «Мускоманда» (яъни, мусулмонлар жамоаси) деб номланган. Жамоага ўша вақтда қўқонлик жисмоний тарбия устаси Ҳусанжон Муҳиддинов сардорлик қилган. Шу ўринда «Мускоманда»нинг шаҳарлараро, бундан ташқари, Россия футбол жамоалари билан ўйнаб, совриндор бўлганлигини эътироф этиш жоиз. Кейинчалик қизил империя даврига келиб эса Хўқанди латифдаги осори-атиқаларимиз йўқ қилинди, қадриятларимиз топталди. Ислом дини қувғин остига олиниб, масжид ва мадрасалар бузилиб, вайрон қилинди. Араб алифбосидаги ҳар қандай китоб, Қуръони карим ёндирилди. Жумладан, «Мускоманда» ҳам тарқатилиб, унинг ўрнига «Спартак» ва «Локомотив» футбол жамоалари тузилди. Афсуски, бу даврга келиб ҳар иккала жамоанинг барқарор фаолият кўрсатиши анча қийинлашди. Аммо, ўзбек футболи ватани Қўқонда миллионлар ўйинига бўлган меҳр-муҳаббат кучайса кучайдики, сусаймади. Қўқонликлар футбол фидойиси Ҳусанжон Муҳиддинов хотирасини абадийлаштириш мақсадида шаҳардаги марказий ўйингоҳга унинг номини беришган.

Юртимиз мустақил бўлгандан сўнг, республика биринчиликларида муносиб иштирок этиб келаётган «Локомотив» футбол клуби номи «Темирйўлчи» деб ўзгартирилди. Бу йилдан эътиборан эса ушбу жамоа «Қўқон — 1912» номи билан шаҳримиз шарафини мамлакатимиз олий лигасида ҳимоя қилмоқда. Ўтган тўқсон йил давомида Қўқон футболи жуда кўп ютуқларга эришди. Ўзбек спорти учун ўнлаб тажрибали мураббийлар, футболчиларни тарбиялаб берди...

Гўзал водий ўтмиши, бетакрор футболимиз тарихига иштиёқмандларнинг мозий ва бугунимиз ўртасидаги кўприк — музейимиздан бир олам таассурот олишлари шубҳасиз. Ўзбек футболининг 90 йиллиги кенг нишонланаётган айни кунларда эса музейимизни янги-янги экспозициялар, суратлар, қўлёзма ва бошқа тарихий ашёлар билан бойитмоқдамиз. Марҳамат, келинг, кўринг! Ҳали халқимиз айтади-ку: минг маротаба эшитгандан, бир бора кўрган афзал.

■ **Жўрабой ТОЖИЕВ,**
«Халқ таълими» музейи директори.

UZBEKISTAN airways
ХАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИ УЧУН МАҲАЛЛИЙ ҲАВО ЙЎНАЛИШЛАРИДА

20 ФОИЗ ЧЕГИРМА!

АЗИЗ ЙЎЛОВЧИЛАР!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси **Ўзбекистоннинг барча фуқароларига маҳаллий ҳаво йўналишлари бўйича қатновларга** авиачипталарни харид этиш чоғида 20 фоизлик чегирмадан фойдаланишни таклиф этади.

Бундан ташқари:
фахрийлар учун — **25 фоиз,**
12 дан 28 ёшгача бўлган ёшлар учун — **15 фоиз,**
уч ва ундан кўп кишидан иборат оилалар учун — **15 фоизлик** қўшимча чегирмалар қўлланилади.

Чипталарни Ҳаво алоқалари Бош агентлигининг кассаларидан, шунингдек, унинг барча филиалларидан олиш мумкин. Маълумотлар учун телефон: 066.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» – ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҚУЛАЙЛИК!

СПОРТ

«СЕМУРҒ»НИНГ «СУВ ПАРИЛАРИ»

Бухоро вилоятида ўндан зиёд спорт мажмуалари ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. «Универсиада—2002» беллашувлари ўтказилиши муносабати билан қайта таъмирланган «Семурғ» сузиш спорт мажмуида синхрон сузиш федерацияси ташаббуси билан бухоролик саккиз нафар ёш қизларнинг кўргазмали чиқишлари ташкил этилди.

— Биз бу кунга узоқ тайёргарлик кўрдик, — дейди федерациянинг вице президенти Азима Шодиева. — Синхрон сузишга иштиёқи бор қизлар Юнусободдаги сузиш ҳавзасида халқаро тоифадаги мураббий Татьяна Лицоберг қўл остида тарбияландилар. Қизларимизнинг кўргазмали чиқишлари ҳаммада катта таассурот қолдирди.

Бухорода бу билан федерациянинг филиали иш бошлади, десак хато бўлмайди. Энди «Семурғ»нинг ҳам «сув пари»лари бўлади. Улар бу ерда сузиш бўйича кўникма ҳосил қилиб, олимпия ўйинларига ҳозирлик кўра оладилар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

ОҒИР АТЛЕТИКА

Таиландда оғир атлетика бўйича 15 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатига якун ясалди. Унда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Вакилларимиздан Нурилла Тоғаев икки олтин, бир кумуш, Руслан Алпанов уч бронза, Вячеслав Тень бир олтин, иккита кумуш медаллари соҳиби бўлдилар. Умумжамоа ҳисобида оғир атлетикачиларимиз ўн икки мамлакат спортчилари орасида биринчи бўлишди.

КЕМА МОДЕЛЧИЛИГИ

Германиянинг Ганновер шаҳрида кема моделчилиги спорти бўйича якунланган навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳам ҳамюртларимиз ғалаба қозондилар. Баҳсларда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вакиллари халқаро тоифадаги спорт усталари Андрей Разумовский ва Шавкат Исматуллаевлар икки олтин медални қўлга киритишди. Учинчи иштирокчимиз Ноил Ҳакимжонов эса иккита бронза медалига сазовор бўлди.

БЕЛБОҒЛИ КУРАШ

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида белбоғли кураш бўйича мамлакат учинчи чемпионати юқори савияда ўтказилди. Бу галги мусобақалар курашчилар учун алоҳида аҳамият касб этди. Чунки келгуси ойда Фарғонада илк бор «Президент кубоги» халқаро турнири ўтказилади. Мамлакат чемпионати эса бу нуфузли турнирга полвонларни саралаб берди.

Баҳсларнинг бош совринлари қуйидагиларга насиб этди: Мадамин Салаев (60 кг.), Обиджон Тожибоев (66 кг.), Жаҳонгир Қамбаров (73 кг.), Ихтиёр Эгамов (81 кг. Андижон), Анвар Абдимўминов (90 кг.), Зокир Давлатов (100 кг.), Шавкат Омонуллаев (+100 кг. (мутлақ вазн). Фарғона).

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят Кенгаши биринчи котиби **Гайрат МАШАРИПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 671

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23-10
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA